САВОЛ СИЗДАН, ЖАВОБ БИЗДАН — 2-бет

ТВ «ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ — 3-4-5-бетлар

ЗИЙРАК БОБО НИМА ДЕЙДИ? — 6-бет

ТЎЙЛАРИМИЗ ДАВРИМИЗГА МОС ВА ХОС БЎЛСИН — 7-бет

Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 16 (10.069) / 2004 ЙИЛ 23 ЯНВАРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **ЭРТАГА** Яккасарой туманидаги Олимпия мактаби сув ҳавзасида синхрон сузиш бўйича спорт мусобақалари ўтказилади. Ушбу мусобақалар «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани, синхрон сузиш федерацияси ҳамкорликларида уюштирилмоқда.

● **БУГУН** Ҳамза туман ҳокимлигида «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, туман хотин-қизлар қўмитасининг тўй-ҳашамлар, маърака ва ҳайит маросимларини ўтказишни тартибга солиш масалаларига бағишланган қўшма раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** шаҳримиздаги «Янгиобод» маҳалласида кам таъминланган оилалар аъзолари иштирокида ўтказилган хайрия тадбири ва концерт Меҳр ва мурувват йилига бағишланди.

● **АХБОРОТ** коммуникация технологияларини талабаларга пухта ўргатиш мақсадида Тошкент Давлат педагогика университетида ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир «Лектор тизими» деб номланди. Бу тадбирни ўтказишдан мақсад электрон қўлланма ва дарсликлар яратишни яхшилаш ҳамда маърузачи тизими билан таъминлашдан иборат.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар шифокорлар малакасини ошириш институтида «Тез тиббий ёрдам» кафедраси ташкил этилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**



Юнусобод туман меҳнат бўлимининг аҳил жамоаси ҳам янги йилни эзгу ниятлар билан бошлади.

СУРАТДА: фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ишлаш шўъбаси мудири Садоқат Тўхтаева ўтган йил ҳисоботлари билан машғул.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

## ЭЛ-ЮРТ ОМОНЛИГИ — ОЛИЙ САОДАТ

***Ички ишлар вазирлиги тизимида юрт осойишталиги ва аҳоли тинчлигини сақлашни янада мустаҳкамлаш борасида ўтказилаётган ислоҳотларда профилактика хизматига катта эътибор қаратилмоқда.***

Айни пайтда жойларда қарийб уч минг тўрт юзта милиция таянч пункти фаолият кўрсатмоқда. Профилактика инспекторлари ички ишлар идораларининг бошқа тармоқлари хизматлари, маҳалла оқсоқоллари, посбонлар, тарбиячи-педагог, яраштирув ва келиштирув ҳамда хотин-қизлар комиссиялари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Профилактика инспекторининг вазифаси шарафли, айни пайтда ўта масъулиятлидир. Унинг билим ва тажрибаси, касб одоби, муомала маданияти, жанговар тайёргарлиги катта аҳамиятга эга. Бу борада Юртбошимизнинг ички ишлар идораларининг энг қуйи бўғини саналган милиция таянч пунктларида ҳар томонлама етук, халқ билан ишлашга билими, тажрибаси, ақл-идроки етадиган жонкуяр инспекторлар бўлишига алоҳида эътибор қаратишга оид кўрсатмаларига қатъий амал қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимидаги «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови бу борадаги илғор тажрибани тарғиб қилишда, жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида кўрик-танловнинг 2003 йил якунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев йиғилишни очар экан, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда нодавлат ташкилотлар, хусусан, маҳалланинг аҳамияти катта эканини таъкидлади. Ўтган йилнинг мамлакатимизда Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши фуқаролар манфаатларини ҳар томонлама муҳофазалашни янада кучайтириш, ёш авлодни Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида камол топтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бундай хайрли ишларда профилактика инспекторларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани 1-маҳалла фуқаролар йиғини 76-милиция таянч пункти (профилактика катта инспектори, милиция майори А.Боранбоев), Тошкент вилояти Бўка тумани «Жағалбой» маҳалласидаги 94-милиция таянч пункти (профилактика катта инспектори, милиция капитани Д.Укибоев), Фарғона шаҳридаги 7-Ибрат маҳалла фуқаролар йиғини 14-милиция таянч пункти (профилактика катта инспектори, милиция майори М.Тоштемиров), Хоразм вилояти Гурлан тумани «Гулистон» маҳалласи 127-милиция таянч пункти (профилактика инспектори, милиция лейтенанти Ё.Бобожонов), Қашқадарё вилояти Қарши тумани «Чўлбўстон» қишлоқ фуқаролар йиғини 32-милиция таянч пункти (профилактика инспектори, милиция лейтенанти Ў.Ҳайдаров) биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Ғолиблар «Матиз» автомашинаси билан тақдирланди.

Тадбирда «Энг фаол профилактика инспектори», «Энг фаол маҳалла оқсоқоли», «Энг фаол маҳалла посбони», «Энг фаол педагог-тарбиячи», «Энг фаол вояга етмаганлар билан ишлаш профилактика инспектори», «Энг фаол маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси» номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

***«Ўзэлектроаппарат» очиқ акциядорлик жамияти республикамиз электротехника саноатининг етакчи корхоналаридан саналади. Корхонада ўтган йили қарийб 917 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бу аввалги йилдагига нисбатан икки баробар кўп демакдир.***

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИ ОРТМОҚДА

— Энергия ресурслари, хомашё ва бошқа материаллардан тежаб-тергаб фойдаланиш муваффақиятимиз гарови бўлмоқда, — деди жамият бошқарув раиси Ш.Каримов ЎзА мухбирига. - Маҳсулот йиллик бизнес режа асосида ишлаб чиқарилаётир. Чет эл сармоясини жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса соҳада «Тошэлектроаппарат», «Темир-инженеринг» каби янги қўшма корхоналар очиш имконини берди.

«Тошэлектроаппарат» қўшма корхонаси ўтган йилнинг ўзидаёқ 253 минг АҚШ долларига тенг электр асбобларини хорижга экспорт қилди.

Ишлаб чиқариш ҳажми ортиши корхона даромади ўсишининг манбаи бўлмоқда. Ижтимоий ҳимоя масаласига ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ўтган йили ишчи-ходимларимиз ва уларнинг фарзандлари дам олишини ташкил этиш мақсадида 12 миллион сўм сарфланди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Тошкентда Ҳиндистон экспорт ташкилотлари федерацияси вакилларининг ташрифига доир сотувчи-харидор учрашуви ниҳоясига етди. Учрашув давомида ҳамкорлар шу йил апрелида Тошкентда Ҳиндистон савдо ярмаркасини ўтказишга келишиб олдилар.

● Бугун Тошкентда Россия, АҚШ, Япония ва ўзбекистонлик мутахассислар иштирокида «Марказий Осиё: табиат, атроф-муҳит ва тараққиёт» мавзуидаги халқаро анжуман бошланди.

● Бухоро шаҳар ҳокимлиги томонидан шаҳар куни байрами ўтказишнинг энг яхши сценарийсини аниқлаш мақсадида уюштирилган танлов ғолиби маълум бўлди.

● Қашқадарё вилоят маркази — Қарши шаҳрида янги шаҳарлараро телефон станцияси ишга тушди. Унда ҳар томонлама эскирган алоқа қурилмалари ўрнига Хитойнинг «Хуввей» компаниясида ишлаб чиқарилган замонавий электрон ускуналар ўрнатилди.

● Оролни қутқариш бўйича халқаро фонднинг Нукус бўлими, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон Бадиий академиясининг Қорақалпоқ бўлими томонидан ўтган йили эълон қилинган «Орол муаммоси — умумий муаммо» танлови якунланди.

● Навоий вилояти марказига туташ жойдан 20 гектар ер ажратилиб, ижодкорлар боғи бунёд этишга киришилди.

### Жаҳонда

● АҚШ Президенти Жорж Буш анъанага биноан мамлакатдаги аҳвол ҳақида Конгресс ва халққа йиллик мурожаат билан чиқди. Президент нутқининг асосий қисми терроризмга қарши курашда қозонилган муваффақиятларга бағишланди.

● Швейцариянинг Давос шаҳрида Бутунжаҳон иқтисодиёт форуми бошланди. Унда жаҳон бизнеси ва сиёсатининг етакчилари Ироқдаги вазият, доллар қувватининг пасайиши, халқаро савдони либераллаштириш бўйича шартномаларнинг муваффақиятсиз кечганлиги каби бугунги кундаги глобал муаммоларни муҳокама қиладилар.

● Грузия Президенти Михаил Саакашвили барча мухтор республикаларда вазиятни тўла назоратга олиш ниятида эканлигини билдирди.

● Хитойда ўтган йилда иқтисодий ўсиш суръати 9,1 фоизни ташкил этди. Бу кейинги пайтда дунёда иқтисодиёти ривожланган кучли олтиликка кирувчи ушбу мамлакат иқтисодиёти ўсишида 1997 йилдан буён энг юқори кўрсаткичдир.

## Сўранг, жавоб берамиз

**Мерос олишда эр (хотин)нинг ҳуқуқлари тенгми? Шу тўғрида тўлиқроқ маълумот берсангиз.**

**С.Бўрибоева, тадбиркор.**

Никоҳга қадар эр ва хотиннинг ўзига тегишли бўлган мол-мулк, шунингдек, никоҳ давомида ҳадя ёки мерос тариқасида олган мулклари, шахсий фойдаланишидаги буюмлари уларнинг ҳар бирининг ўз хусусий мулки ҳисобланади. Никоҳ давомида олиниб, эр-хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган мулк, шунингдек никоҳ давомида орттирилган мол-мулк биргаликдаги умумий мулк, яъни ҳар иккаласига тегишли мулк ҳисобланади.

Ҳар бир фуқаро фақат ўзига тегишли бўлган мол-мулкни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқига эга эканлиги боис эрхотиннинг биргаликдаги умумий мулкининг муайян қисмига нисбатан эр ва хотиннинг улуши мерос очилганидан кейин биргаликдаги умумий мулкдан Фуқаролик кодексининг 226-моддасида белгиланган тартибда ажратиб олинади ва қолган қисми мерос таркибига киритилиб ворислар ўртасида тақсимланади.

Эр-хотин ўртасидаги никоҳ муносабатлари тўхтатилиб, беш йилдан кам бўлмаган муддатда улар алоҳида-алоҳида яшаган бўлсалар, гарчи мерос очилган пайтда ҳали никоҳ расмий равишда бекор бўлмаган бўлса ҳам, ҳаёт бўлган эр ёки хотин қонун бўйича ворисликдан суднинг қарори билан четлаштирилиши мумкин. Аммо Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига асосан мерос қолдирувчининг меҳнатга лаёқатсиз эрида (хотинида) меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

* * *

**Паспортимни икки йил олдин йўқотиб қўйган эдим. Шу вақтга қадар топилмади. Энди янгисини олишим керак. Мен қаерга ва кимга учрашишим керак, жарима ҳам тўланади, дейишмоқда. Шу тўғрими?**

**Х.Қодирова, магистр.**

Янги паспорт олиш учун ўзингиз доимий истиқомат қиладиган жойдаги туман ИИБга мурожаат қилишингиз лозим. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий-жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223-моддасига мувофиқ, паспортни йўқотиб қўйганлик учун энг кам иш ҳақи ёки унинг 1/2 қисми миқдорида жарима тўланади.

* * *

**Турмуш ўртоғим юрак хуружи билан тўсатдан вафот этди. У кишининг оиласи бўлганлиги учун биз қонунан рўйхатдан ўтмаган эдик. Бир ёшли ўғилчам билан бир ўзим қолдим. Мен боқувчисини йўқотганлик нафақасини олишим мумкинми?**

**Ў.Мадраҳимова, уй бекаси.**

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 19-моддасига кўра сиз фарзандингиз учун боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олишингиз мумкин. Бунинг учун ўзингиз истиқомат қиладиган туман ижтимоий- таъминот бўлимига мурожаат қилишингиз керак.

# ИЗЧИЛ ИЖТИМОИЙ ИСЛОҲОТЛАР

***Ўзбекистонда жорий йилни Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан хорижий давлатлар фуқаролари билдирган фикрларнинг "Жаҳон" ахборот агентлиги орқали келиши давом этмоқда. Маълумки, ушбу таклиф Президент Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллиги тантаналарида сўзланган нутқда илк бор янграган эди.***

Конституция қабул қилинган кун ва бошланган йилнинг инсонпарварлик ғояларига йўналтирилганлиги ўртасида уйғунлик мавжуд. Корея Республикаси Миллий ассамблеяси депутати, "Корея-Ўзбекистон" дўстлик жамияти раиси Ким Юн ана шундай фикрни билдирди.

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилишда Президент Ислом Каримов сўзлаган нутқни катта қизиқиш билан ўрганиб чиқдим. Шуни таъкидлаш жоизки, Бош Қомус ҳар бир мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида муҳим аҳамият касб этади, фуқаролар ҳаёти, фаолияти ҳамда мамлакат тараққиёти учун зарур ҳуқуқий замин яратади. Мен юртингизда тез-тез бўлиб тураман. Мамлакатингизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар бўйича кузатувларим конституциявий меъёрлар Ўзбекистонда ўзининг амалий ижросини топаяпти, деб ишонч билан гапиришга асос бўла олади.

Ўз кучи, миллий урф-одатлар ва қадриятларга таяниб демократик ва иқтисодий ривожланган давлат қуриш йўлида изчил сиёсат олиб бораётган мамлакатингиз Президенти прагматик ва собитқадам арбоб сифатида обрў қозонган. Шу боис давлатингиз раҳбари эришилган ютуқлар ҳақида бонг урмайди, балки ҳукумат ва халқ эътиборини Ўзбекистон олдида турган муҳим вазифаларни ҳал этиш аҳамиятига қаратади. Бундай вазифалар сирасига республикада тинчлик ва барқарорликни сақлаш, миллий урф-одатлар ва тарихий илдизларни тўла қайта тиклаш, жамиятнинг демократик асослари ва бозор иқтисодиёти ислоҳотларини чуқурлаштириш киради.

Президент Ислом Каримов бир дақиқа ҳам халқ фаровонлиги, унинг ижтимоий ҳимояси ҳақида ўйлашни унутмайди. Хусусан таълим ва тарбиянинг устувор масалалари, кишилар тафаккури ҳамда уларнинг маънавий дунёси замон талабларига мос равишда бойиб бориши зарурлигини доимо таъкидлайди. Давлат раҳбари жамият фаровонлигини оширишда маҳаллий бошқарув органлари мавкеини кучайтириш, кам таъминланган оилалар, қариялар ва аҳолининг бошқа ночор қатламларига ёрдам беришда уларнинг ваколатларини кенгайтириш масалаларига ниҳоятда оқил муносабатда бўлаяпти, деб ҳисоблайман.

Президент Ислом Каримовнинг катталарга ҳурмат, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, қариялар ва кўп болали оилалар ҳақида қайғуриш каби жамият қадриятларини ҳимоя қилишдаги қатъий изчиллиги менда катта таассурот уйғотган. Ишонаманки, Ўзбекистонда 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши ўтган Обод маҳалла йилида бошланган эзгу ишларни муваффақиятли давом эттириш билан бир қаторда жамиятда тотувликни мустаҳкамлаш, фуқаролар турмуш фаровонлигини оширишда кенг имкониятлар очади.

**"Жаҳон" АА**



*Анжуманлар*

# ЮРТ ТИНЧЛИГИ — БЕБАҲО БОЙЛИК

***Ватанпарварлик, мардлик каби тушунчалар барчамизга таниш ва маълум. Лекин, уларнинг ҳаётимизда нечоғлик муҳим ўрин тутишидан ҳамманинг ҳам хабари борми? Ёшлар келажакда юртимиз барқарорлиги, тинчлигини таъминлашда ўз вазифаларини тўлақонли адо эта оладиларми?***

Яқинда, Акмал Икромов туманида жойлашган юридик коллежда Алишер Навоий ҳамда «Ватан» маҳаллалари ҳамкорлигида «Юрт тинчлиги— бебаҳо бойлик» мавзуида ташкил этилган анжуманда ана шу саволларга жавоб изланди. Бу борада ўринли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Мазкур коллежнинг 400 дан ортиқ ўқувчилари иштирокидаги анжуманда маҳалла оқсоқоллари, уруш фахрийлари, шунингдек, бошқа соҳа етакчиларининг фикр-мулоҳазалари тингланди. Анжуман бошида сўзга чиққан коллеж директори, юридик фанлар номзоди М. Сатторова ёшларнинг Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини янада ошириш, миллий мафкура, мустақиллик тушунчасини уларнинг онгига сингдириш таълим жараёнининг муҳим масаласи эканлигини таъкидлади.

Эзгу мақсадлар, хайрли ишлар кўзланган ушбу анжуманда юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида амалга оширилаётган хайрли тадбирлар хусусида ҳам сўз борди.

**Юлдуз УСМОН**

**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.**

# ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНМОҚДА

***2003 йилда "Ўзбек Лизинг Интернейшнл А.Ж" компанияси 3,1 миллион АҚШ доллари миқдорида 15 та лизинг битимларини тузди. Бу ҳақда компания ижрочи директори Зафар Мустафоев "Туркистон-пресс"га маълум қилади.***

З.Мустафоевнинг таъкидлашича, "Ўзбек Лизинг интернейшнл А.Ж." йўналиши ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан шуғулланади. Масалан "Шамс-Навоий" хусусий фирмасини кенгайтириш учун компания Япониянинг "KONICA" корпорациясидан тўртта фотолаборатория харидига 143 минг АҚШ долларини қайта молиялаштирди.

"Ўзбекистон" қишлоқ хўжалик кооперативи ишлаб чиқариш линиясини янгилаш учун компания Швециянинг "Делавал" компанияси сут соғиш ускуналарини сотиб олишга 113 минг АҚШ доллари миқдорида лизинг берди. Ускуна компьютерлаштирилган кўп тармоқли тизимга эга бўлиб, йилига 9125 центнер сут тайёрлайди.

"Ўзбек лизинг интернейшнл А.Ж." компанияси 1996 йилда ташкил этилган. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Малайзиянинг "Мейбанки", ЕТТБ ва Халқаро Молия корпорацияси унинг муассислари ҳисобланади.

—2002 йилнинг декабрида Ўзбекистон Олий Мажлиси Марказий Осиёда лизингни ривожлантиравётган ХМК мутахассислари тавсияларини ҳисобга олган ҳолда лизинг амалиётларини мувофиқлаштирувчи қонунчиликка тузатишлар киритди, деб қайд этди З. Мустафоев. - Ушбу тузатишларнинг аҳамияти жуда катта. Биринчидан, улар лизинг битими тузаётган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди ва лизинг инвестиция аҳамиятини банк кредитлари ва инвестициянинг турлари билан бир даражада эканлигини таъкидлайди. Бундан ташқари киритилган тузатишлар лизинг берувчининг фақат ўз маблағлари ҳисобига молиялаштириш меъёрларини истисно қилади. Яъни лизинг компаниялари кичик ва ўрта бизнес корхоналарига ускуналарни харид қилишда бошқа томондан жалб этилган маблағлардан ҳам фойдаланиш имконини беради."Божхона тарифлари тўғрисида" ги қонунда лизинг йўли билан келтирилаётган ускуналар импортида импортчиларга имтиёзлар берилди.

Қонунчиликни такомиллаштириш лизинг шароитида кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини келгусида молиялаштиришни таъминлашга имкон беради, экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни муваффақиятли ривожлантиришга кўмаклашади, деди З. Мустафоев.

"Ўзбек лизинг интернейшнл" компанияси фаолияти бошидан буён жами элликдан зиёд 12 миллион долларлик лойиҳаларни қайта молиялаштирди. Маблағлар асосан кичик ва хусусий бизнес корхоналарини замонавий ускуналар, транспорт воситалари, технологик линиялар билан жиҳозлашга йўналтирилди.

**Т.АЛИМУҲАМЕДОВ, "Туркистон-пресс"**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

● Инсон ҳамма орзусига етолмайди. Шунинг учун ўзига қараганда бечораҳолроқ бўлганларни кўриб ўз аҳволига шукр қилиши ақллилик аломатидир.

Ривоят: бир вақтлар бир одам йўлда яёв кетар экан, ўз-ўзига:

— Бу ерда, бу саҳрои биёбонда мендан ожизроқ, бечорароқ, паришон яна ким бор? — деб йиғлади.

У ердан ўтиб кетаётган, устига юк ортилган эшак бу дардман одамнинг сўзини эшитиб унга:

— Эй, ақлсиз одам! Нега ҳолингдан бундай шикоят қиласан? Оллоҳга шукр этиб йўлингда кетавер. Эшакка минмагансан, аммо мен каби юк остида эмассанку! Ҳолингга шукр қилиб кетавер, — деди.

Байт:

**Оғзига келганин демак**
**нодоннинг иши,**
**Олдиға келганни емак**
**ҳайвоннинг иши.**

● Тўғри йўлдан юрган одам номусли, матонатли, берган ваъдасида қаттиқ турувчи бўлади, ҳеч кимни алдамайди, тўғриликдан ажралмайди, тўғриликнинг энг улуғ фазилат эканини билади.

● Фазилатли, олийжаноб одам фақат ўз фойдасинигина кўзламайди, халқ манфаати учун ҳам хизмат қилади. Ҳеч кимга зиён-заҳмат етказмайди.

ҲИКОЯТ. Рум ҳукмдори Эрон ҳукмдори машҳур Анушервондан:

— Бир иморат қилишга киришган эдингиз, нима бўлди битдими? — деб сўради.

— Иморатимни битказдим. Мен ҳеч вақт нотамом иш қилмайман, қайси ишга қадам қўйсам, у иш охирига етмагунча, тиниб-тинчимайман. Бир ишга киришган киши ғайрат қилиб бошлаган ишини охиригача етказиши лозимдир, — деб жавоб берди Анушервон.

Рум ҳукмдори Анушервоннинг сўзини маъқуллаб:

— Балли, юнон донишмандлари ҳам худди шундай деган эдилар, — деди.

ҲИКОЯТ. Бир донишманддан:

— Қайси айб, ярамас одат ҳамма яхши ҳунарни ёпиб қўяди? — деб сўрадилар.

— Бахиллик, — деб жавоб берди донишманд.

Яна сўрадилар:

— Қайси яхши ҳунар ҳамма айбни босади?

— Ҳалоллик, — деди донишманд.

ҲИКОЯТ. Анушервоннинг бир хизматчиси унинг ёнида бир кишини ёмонлади. Анушервон у чақимчига:

— У киши ҳақида айтганларингни яхшилаб текшираман. Агар тўғри сўзлаган бўлсанг, чақимчи бўлганинг учун сендан нафратланаман, сени душманим деб биламан, ёлғон сўзлаган бўлсанг, жазо бераман, чақимчиликдан тавба қилсанг, кечираман, — деди.

Хизматчи чақимчиликдан тавба қилди. Анушервон унинг гуноҳини кечирди.

Байт:

**Бир чақимчи ўз ишидан**
**урса дам,**
**Қудратинг етса, тилни**
**қилғин қалам.**



Нозик иплар жилосида санъатим менинг.

## ДАВРА СУҲБАТИ

***Германиянинг Фридрих Эберт жамғармасининг Тошкентдаги ваколатхонасида «Ахборот олиш: давлат ва фуқаролик жамияти» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда хорижий мутахассислар, республикамиздаги қатор вазирликлар ва муассасалар матбуот хизматлари ходимлари, ҳуқуқшунослар, ОАВ вакиллари иштирок этишди.***

Давра суҳбати Марказий Осиё мамлакатлари ОАВни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида белгиланган вазифалар муҳокамасига бағишланди. Швейцариянинг CIMERA ташкилоти кўмагида амалга оширилаётган мазкур дастурдан кўзланган асосий мақсад ахборот олиш ва тарқатиш масалаларида давлат муассасалари билан ОАВ вакиллари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашишдир.

Тадбир иштирокчилари журналистлар учун ахборот олиш ва ундан фойдаланиш тизимини кенгайтириш жамоатчилик диққат-эътиборига долзарб ва далилларга асосланган хабарларни мунтазам етказиб беришда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар. Бу борада долзарб вазифалардан бири жамиятда ошкоралик муҳитини ривожлантириш ҳамда журналистларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда кўмаклашишдир.

Шунингдек, давра суҳбати давомида ОАВнинг манбаларни излаш ва тарқатиш жараёнидаги масъулияти, маълумотларни сохталаштирмасдан холисона ёритиш, шахс дахлсизлигига ҳурмат билан муносабатда бўлиш сингари журналист касб ахлоқига доир масалалар юзасидан фикр алмашилинди.

**«Жаҳон» АА**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ҚАЙ БИРИДАН ТОРТАЙ?

Қассобхонага гўшт харид қилгани кирдим. Ингичка, чиройли қилиб қовун тилимидек бир текис чопиб, осиб қўйилган гўшт бўлакларига қараб ҳавасим келди.

— Килоси неча пул? — сўрайман сотувчидан.

— 2200. Мана бу сон гўшти 2500. Лаҳм эса 2700. Айтинг қай биридан тортай?

— Битта молнинг гўштими булар?

— Ҳа, битта молники.

— Нега бўлмаса нархи ҳар хил?

— Энди ўзига қарабда отахон. Ҳеч ким лаҳмни сизга 2200 га бермайди.

Тавба, олдин қассоблар битта молни сўйишса гўштини бир текис майдалаб бир хил нархда сотишарди. Энди эса турларга ажратиб уч хил нархда сотишадиган бўлишибдида, ўйлайман ўзимча. Қараб турсам кўпчилик харидорлар бу одатга аллақачон ўрганиб қолишган шекилли сотувчига айтганини бериб гўштни харид қилиб кетишяпти.

— Келинг, отахон. Буниси ёқмаса мана бу қўй гўштидан торта қолай, — дейди сотувчи харидорни йўқотгиси келмай. — Мой чайнайсиз. Олмасангиз ҳам бир кўриб қўйинг гўштни. «Дода» гўшт бу.

«Дода» гўштнинг нархини сўрадик.

— Ғирт сон. Килосига сиз 3 минг сўмдан бера қолинг.

Хуллас савдолаша-савдолаша икки килограмм гўшт харид қилдик. Сотувчи маҳсулотни чаққон ўраб халтага тиқди.

— Тарози тўғрими, ишқилиб?—Гўштнинг чўғи камлигини кўриб сўрадим қассоб боладан.

— Бировнинг ҳаққи тешиб чиқади отахон. Биз тарозидан урмаймиз.

Уйга келишим билан қассобнинг нақадар тўғрилигини синаб кўриш мақсадида гўштни қайта тортдик. Тарози шайини роппа-роса 1 килою 800 граммни кўрсатди. Устига устак гўшт орасидаги бир бўлак қуруқ суякка кўзим тушиб қолди. Тавба у бола ким ўзи? Қассобми ёки кўз бойлоғичми? Ахир кўз олдимда қандай қилиб бу суякни гўштнинг орасига тиқиб юборди экан? Шунда бир танишимнинг: «Гўшт орасига қуруқ суяк тиқиб, тарозидан уриб қолмаган қассобнинг қўли қалтироқ бўлиб қолади», деган сўзларини эсладим.

## ИНСОФ САРИ БАРАКА

Ҳаёт бор экан, инсон доимо шошилади. Хотиржам юрган ҳолатинг камдан-кам бўлади. Хоҳ йўлда, хоҳ уйда бўлсин бирор зарур юмушинг қолиб кетаётгандек шошиласан. Боз устига шунақа пайтда ҳамёнинг кўтарса-кўтармаса енгил машина тўхтатиб манзилга тезроқ етиб олишни кўзлайсан албатта. Лекин афсуски, «Хизмат ҳақи» сен кутганидан қиммат.

Яқинда ўзимиз ҳам шунақа ҳолатни бошдан кечирдик. Зарур юмуш билан кўчага чиқиб енгил машинага ўтирмоқчи бўлдик.

Бекатда турна қатор машиналар йўловчилар хизматига шай туришибди.

—Келинг отахон, қаерга борасиз, — дейди навбатда турган ҳайдовчи.

— Ўрикзорга бормоқчи эдим.

— Олиб борардиму бироз чапрокда. Хизмат ҳақидан қочмасангиз майли узоғингизни яқин қилишга тайёрмиз.

— Айтинг, қанча тўласам «узоғим яқин бўлади»?

— Уч минг сўм берасиз.

— Жуда қимматку.

— Бориб-келиш бензин пулини қоплаши керак-да отахон.

Нари кетдик. Лекин қанча сўраб-суриштирмайлик қатор турган машина ҳайдовчилари оғзидан бир хил баҳони эшитдик. Тавба дейман ўзимга ўзим. Енгил машиналарнинг кира ҳақи ҳам худди сабзавот маҳсулоти сотиладиган бозордагидек бир хил нархда бўлиб кетибдида.

Хайрият, ҳайдовчилар орасида инсофлиси ҳам топилди. Икки ярим минг сўмга манзилимизга элтиб қўядиган бўлди.

—Лекин Ўрикзордан бир қадам ҳам нари юрмайман, —деди у олдиндан шарт қўйиб.

Рози бўлдик. Ҳайдовчининг омади бор экан шекилли, биздан ташқари яна машинага уч нотаниш киши ўтирди. Улар ҳам келишилган пулни тўлаб йўл-йўлакай тушиб қолишди. Мен эса ўйланаман. Яқинда Самарқандга худди шунақа енгил машинада бориш учун ҳайдовчига 5 минг сўм тўлагандим. Ахир Самарқанд қайдаю, Юнусобод билан Ўрикзор оралиғи қайда?

Тўғри, ҳар кимнинг аҳволи ўзига маълум. Лекин нима бўлганда ҳам халқимизнинг «Инсоф сари барака» деган доно иборасини унутмаганимиз маъқул.

## МИНГ БИР ҚИЁФА

Автобусга болали хотин чиқди. Кўринишидан қайғули бу аёлга ҳурмат юзасидан жой бўшатдик. У мулозаматимизга эътибор ҳам бермай кўзларидан дув ёш тўкканча тиз чўкди.

— Хайр қилинглар, азизлар. Болам касал. Эрим ўлим тўшагида ётибди. Бир ўзим тўртта болам билан қийналиб қолдим. Баҳоли қудрат садақа қилинглар.

Кейин у чала-чулпа бир сурани ўқиган бўлди, узундан-узоқ дуо қилди. Одамларни раҳм-шафқат, меҳр-мурувватга чақирди. Йўловчилар ғимирлаб ҳамёнларини кавлаб қолишди. Аёл қўлини очиб бир чеккадан пул йиғишга тушди.

— Вой ўлмасам, — деди бирдан ёнимда ўтирган нуроний онахон. — Ахир бу Ҳабибахонку. У бизга ён қўшни эди. Эрини боласи билан ташлаб бегона эркак билан қочиб кетганди. Бечора эри иснодга чидай олмай беваqт оламдан ўтди. Ёлғиз боласи ўзгалар қўлида қолди. Фарзанд кўр қилгур кейин қоронғуда топишган «ошиғидан» ҳам айрилиб сўққа боши билан юрганини эшитган эдик. Вой шарманда. Аёл номига иснод келтириб ўзини ўзи хор қилиб юрибди-я. Қўлидаги бола уники эмас.

Бу гаплардан бехабар «тиланчи хотин» одамлардан йиққан мўмай пулини чангаллаганича автобусдан тушиб кетди. Шу сабаб яқинда кўз олдимда рўй берган бир воқеани эсладим.

Машина билан Амир Темур кўчаси бўйлаб кетаётган эдик. «Қозоғистон» кинотеатри чорраҳасида қизил чироқ ёниб қолди. Тўхтадим. Олдимдан биз томон келаётган ўрта ёшлардаги букир тиланчи тўхтаб турган машина ҳайдовчиларидан садақа сўраб пул йиғишга тушди. Навбат менга келганда унга беш сўмлик танга узатдим. Шунда бирдан тиланчи ростмана қаддини ростлади. Қўлидаги беш сўмлик тангани жаҳл билан ерга улоқтирди. Қай кўз билан кўрайки у ҳеч ҳам ногирон эмас экан. Ўзгаларда раҳм-шафқат уйғотиш учун ўзини букир қиёфасига солиб юраркан, Авжи йигитлик чоғида кўзбўямачилик билан пул йиғиб юрган ўша кишининг қиёфаси ҳамон кўз олдимдан нари кетмайди.

Ўшанда кўча-кўйда ўзича дийдиё ўқиб, дуога қўл очиб юрган тиланчиларнинг ҳаммаси ҳам бечоралар эмас, балки ишёқмас, текинтомоқ ичкилик бандалари эканлигини ҳис этгандим.

Яқинда эса автобусда кўрган «тиланчи» аёлни Қўйлиқ бозорида бегона эркаклар даврасида сархуш ҳолатда учратиб қолдим. Бу гал у башанг кийиниб олган, бир гапириб ўн куларди.

*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

## САХОВАТЛИЛИК — ЭНГ ОЛИЙ ТУЙҒУ

***Пойтахтимизда жойлашган Кўкалдош мадрасаси юртимизнинг ноёб тарихий обидаларидан бири ҳисобланиб, ушбу меъморий бино XVI асрда Дарвешхон томонидан бунёд этилган. Мадрасада Фурқат, Муқимий, Хислат каби халқимизнинг буюк намояндалари таҳсил олганлар.***

Юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг мадраса биноси қайта таъмирланди ва унга эътибор кучайтирилди.

Айни кунларда бу ерда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Кўкалдош ислом ўрта махсус билим юрти фаолият юритмоқда. Мазкур билим юртида диний илмлар билан бир қаторда дунёвий фанлардан ҳам талабаларга кенг даражада таълим берилади. Мадрасада шунингдек наққошлик, ўймакорлик, мусаввирлик каби тўгараклар мавжуд бўлиб, у ерда талабалар аждодларимизнинг қадимий касб санъатларини ўзлаштирмоқдалар.

Шу вақтгача юртимизда амалга оширилаётган турли хайрли тадбирлардан мадраса жамоаси ҳам четда қолган эмас. Яқинда билим юртида Меҳр ва мурувват йилига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад эса йиғилганларга маҳалла, оила каби тушунчаларни кенгроқ ўргатиш, талабаларни Меҳр ва мурувват йилида хайрли ишларга чорлаш эди.

Анжуманда билим юртининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари А.Жўраев сўзга чиқиб юртимиздаги маҳаллаларда амалга оширилаётган ободончилик, меҳр-мурувватлилик, яхши қўшничилик муносабатлари, қатор хайрли ишлар хусусида маъруза қилди.

Тадбир сўнгида мадраса талабалари Меҳр ва мурувват йилида ёрдамга муҳтож, ногирон инсонларга беминнат кўмак бериш, бева-бечораларнинг оғирини енгил қилиш, кўнгилларига озгина бўлсада илиқлик бағишлаш икки дунё саодатидан баҳраманд бўлишни ният қилган ҳар бир инсоннинг виждоний бурчи эканлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни билдирдилар.

**Шердил РАҲИМОВ**

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*26 январь— 1 февраль*



**Қўй (21 март — 20 апрель)** — Ҳафта кўнгилли бошланади. Бу айниқса иқтисодий соҳада билинади. Ҳафта охирида кутилмаган воқеалар иш фаолиятингизга бироз таъсир этиши мумкин.



**Бузоқ (21 апрель — 20 май)** —Ушбу ҳафта кўпдан орзу қилган дўстингиз билан учрашасиз. Бизнес соҳасида бошлаган ишларингиз ўз самарасини бера бошлайди.



**Эгизаклар (21 май — 21 июнь)** — Хизмат жойингизда сизни яхши хушхабарлар кутмоқда. Ишга садоқатингиз, қатъиятлилик, интизом сизга омад келтиради.



**Қисқичбақа (22 июнь — 22 июль)** — Бошланажак ҳафтада оилангиздаги баъзи келишмовчиликларга жиддий эътибор қаратишингиз зарур бўлади. Фарзандларингизга муносабатда эҳтиёткорлик ва босиқлик билан муомала қилганингиз маъқул.



**Арслон (23 июль — 23 август)** — Бу ҳафта шахсий ҳаётингизда бирмунча ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Ўз мақсад ва режаларингиз сари дадил интилишингиз керак.



**Паризод (24 август — 23 сентябрь)** — Ҳафтанинг чоршанба ва пайшанба кунлари ишга жиддий ёндошишингиз керак бўлади. Сизга омад кулиб боқиши эҳтимол.



**Тарозу ( 24 сентябрь — 23 октябрь)** — Ушбу ҳафта бахтли тасодифларга бой бўлиши кутилмоқда. Оилангизда катта тантана бўлиши, меҳмондорчиликлар бошланиши мумкин.



**Чаён (24 октябрь — 22 ноябрь)** — Ҳаётингизда рўй бераётган баъзи тўсиқлардан тушкунликка тушмай, яхши ўй-ниятлар сари интилиб яшашингиз керак. Соғлиғингиз безовта қилишига бефарқ бўлманг.



**Ўқотар (23 ноябрь — 21 декабрь)** — Бу ҳафта иқтисодий муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли бор. Сарф-харажатларни ўйлаб иш кўринг. Баъзи ўйлаган режаларингиз кейинга сурилади.



**Тоғ эчкиси (22 декабрь — 20 январь)** — Ушбу ҳафта бизнес соҳасида ҳамкорларингиз сизга бироз панд беришга ҳаракат қилишади. Ўз ишингизни пухта бажариб, тўғри йўлдан боришингиз керак.



**Қовға (21 январь — 19 февраль)** — Ҳафтангиз ҳар томонлама хайрли ва қувончли келиши кутилмоқда. Бугунги ишни эртага қўймасликка ҳаракат қилинг.



**Балиқ ( 20 февраль — 20 март)** — Барча юмушлар, ишдаги нохушликлардан асабларингиз ниҳоятда чарчаган. Сиз албатта соғлиғингизга эътибор беришингиз, кўпроқ дам олишингиз керак.

## Қаҳқаҳа

Йўловчи манзилга етган, такси ҳайдовчидан тўхташини илтимос қилди. Машина тўхтагач, йўловчи ёнидан бир даста пул чиқариб ўн сўм узатган эди, ҳайдовчи кулимсираб деди:

— Отагинам, счётчик ўн беш сўмни кўрсатаяптику!

— Беш сўмга дуо қиламан, болам.

— Майли.

Йўловчи дуо қилиб тушиб кетаётган эди, ҳайдовчи унинг қўлини ушлаб деди:

— Отахон, мен беш сўмга розиман, фақат сизнинг қилган дуоингиз менинг бўйнимда қарз бўлиб қолмасин. Қўлингизни очинг, мен ҳам сизни дуо қиламан.

Йўловчи қўлини очди:

— Илоҳи овмин, бундан кейинги туғиладиган набираларингиз орасида пулга ҳирс қўйган, дуони беш сўмга сотадиган сизга ўхшаган зиқна ва қурумсоғи бўлмасин.

* * *

Кўп қаватли бинода истиқомат қилувчи бир бева аёлнинг уйига роҳиб, унга қўшни бева аёлнинг уйига зобит келиб турар экан. Бир куни иккинчи аёл биринчи аёлнинг роҳибни кузатиб қўяётганини кўриб қолди. Эртаси куни бино ҳовлисида учратиб, «чақиб олиш» мақсадида сўрабди:

— Кеча уйингиздан роҳиб чиқиб кетаётганини кўриб қолдим. Нима бўлди, авлодларингиздан бирор киши қазо қилдими?

— Нега бундай ўйлаяпсиз? Мен сизни учратганимда бирор жойда уруш бошланибдими, деб сўрамайман-ку!


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!
## ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЖАНОБЛАР!

**Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги**

**«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси**

**2004 йил 23, 27, 30 январь 3, 6, 10, 13, 17, 20, 24, 27 февраль кунлари**

**ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ!**

Танлов савдосига Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Пушкин-Салор кўчаси, 1 «В»-уйда жойлашган 380-сонли болалар боғчаси қўйилади. Болалар боғчасининг бошланғич нархи 61756500 (олтмиш бир миллион етти юз эллик олти минг беш юз) сўм ёки 63400 (олтмиш уч минг тўрт юз) АҚШ доллари

**ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ**

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш.

2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.

3. Боғча биноси ва иншоотларини қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.

4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.

5. Боғча биноси ва иншоотларини қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.

6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.

7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.

8. Хизмат хақлар бўйича таклифлар ва имтиёзлар.

9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлайдилар. Ариза ва тўлов қоғозига қўшимча тарзда, конвертга муҳрланган танлов шартлари бўйича ўз таклифларини (Бизнес-режа) савдо ташкилотчисига тақдим қиладилар. Аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Закалат пули «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўланади.

**Савдолар соат 11-00 да бошланади.**

**Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моварауннаҳр кўчаси, 16 «А»-уйда ўтказилади.**

**Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.**

Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти қошида 2004 йил 1 февралдан тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртларига (даволаш, стоматология, педиатрия, фармацевтика, тиббиёт профилактикаси, тиббий педагогика, биология факультетларига) кирувчилар учун биология, кимё, физика, она тили ва адабиёти фанларидан таълим марказы ташкил қилинди. Таълим марказига тингловчилар шартнома асосида қабул қилинади.

Ўқув машғулотлари ўзбек ва рус тилларида институт ва лицейнинг малакали профессор-ўқитувчилари томонидан куннинг иккинчи ярмида олиб борилади.

**Манзил: С.Раҳимов тумани, Шифокорлар шаҳарчаси, 10, 28, 82, 116, 34-автобуслар, 12-трамвайнинг «Лицей» бекати. Телефон: 118-59-79, II-ТошДавТИ лицейи.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт коллежида 2004 йил 28 январда соат 9.00 дан 18.00 гача «Очиқ эшиклар» куни бўлиб ўтади.



## ТОШКАНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

***ФАҚАТ БИР КУН***

**1 февраль соат 15-00 да Қурбон ҳайити байрамига бағишланган икки бўлимдан иборат ранг-баранг катта байрам дастури**

**Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ ҳар қандай шаклда тўланиши мумкин. Касса эрталабки соат 9-00 дан ишлайди.**

**Маълумотлар учун телефонлар: 144-29-04, 144-35-91, 144-32-23.**

Қаҳқаҳа

***ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ***

***каталог бўйича пардалар тикамиз. Карниз ўрнатамиз.***

***Тел: 176-63-87, 46-70-25.***

## «02»: ҲОДИСАЛАР

***Ота-она боласига ёшлигидан бор меҳрини бериб ўстиради. Келажакда фарзандимнинг роҳатини кўрсам деб ният қилади. Лекин фарзандга жуда, ҳаддан ортиқ эътибор бериб юбориш ҳам керак эмас, вақтида терграш, сўраб-суриштириб туриш лозим. Чунки, худбин бўлиб ўсган бола каттани катта, кичикни кичик демайди.***

Мамлакат ая ва Исмоил аканинг ёлғизгина фарзанди—ўғли бор эди. Исмоил ака фарзанди нима деса шу нарсани муҳайё қиларди. Акбар шу йўсинда улғая бошлади. Мамлакат ая фарзандининг ҳамиша ёнини олар, қўшниларнинг боласи ҳақидаги гапларини эшитгиси ҳам келмасди. Жуда ҳам эркинликда ўсган Акбар ўқишга бормай дайди болалар билан кўчада изғирди. Мактабдан ўқитувчилар телефон қилиб, ўғлингиз бир ҳафтадан бери ўқишга келмаяпти дейишганда Мамлакат ая ҳайрон бўлиб, ўғлим шамоллаб қолувди деб қўярди.

Акбар 19 ёшга тўлгач ўғрилик йўлига ўтди. У бозорларда одамларнинг сумкасидан пул ўғирлай бошлади ва ўғри деган ном қозонди. Қўшнилар Акбарнинг ота-онасига «Болангиз менинг пулимни бозорда тортиб олди», деса ишонмай, пулини сўраб келган одамларни ҳайдаб юборишарди. Ноқобил фарзанд қилмишлари ҳас-пўшланавергач у энди катта ўғриликка қўл урди.

Яккасарой туманидаги Бобур кўчасида жойлашган Бобур маҳалла қўмитасининг қулфини бузиб 500000 сўмлик «LG» музлатгичини ўғирлаб кетди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида Акбар далилий ашё билан ушланди.

Акбарнинг ота-онаси эса энди додларини кимга айтишни билмай доғда, қилган хатоларидан пушаймонда ўтирибдилар.

**Дилдора РАҲИМОВА,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот марказининг жамоатчи мухбири.**

Фирмага бухгалтер ва турк тили ва компьютерда ишлашни биладиган референт-котиб ишга таклиф этилади.
Телефонлар: 50-03-12, 50-03-16, 50-43-68.

Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги 1-ўрта мактаб томонидан 1996 йили Исломов Убайдулла Шукруллаевич номига берилган №032333 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш Департаменти жамоаси бош мутахассис **Илҳом ФОЗИЛОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

*Кўпнинг кенгашига*

## ТЎЙ КИМНИКИ?

***Раддия***

Қорачадан келган, шер келбат, шопмўйлов тоғам бўларди. Отини Раҳим полвон деб аташарди. Ўзиям полвонмисан — полвон эди-да, ҳар қандай рақибни даст кўтарганда курагини ерга тегизмай қўймасди. Шундай одам урушга кетдию қайтмади. Ундан биттаю битта ўғил ёдгорлик бўлиб қолган, оти ҳам Ёдгорбек. Худди қуйиб қўйгандек отасининг ўзи. Чилонзорда туради. Тунов куни шу жияним ўғлини уйлантирди. Эскидан қолган удум тўйга қуруқ бориб бўлмайди. Ўғлим билан келинимга маслаҳат солдим. Тўёнани эшитиб икковининг дами ичига тушиб кетди. Уларга қолса ҳеч нарса қилмаса, тўйхонага икки қўлини бурнига тиқиб боришса. Ахир биттаю битта жияним тўй қиладию, бообрў тўёна қилмай бўладими? Кўз ёш қилиб бобиллаб бердим. Ҳа, сўзимга кирмас экансана. Ўғлимнинг ҳозир қўлимда пулим йўқ, деб зориллашига қарамай «Тойдек қўчқор қилмасанг рози эмасман», дея икки оёғимни бир этикка тиқиб олдим. Қани рози бўлмай кўрсинчи. «Қўй қилиш зарур бўлса, яна бировдан қарз кўтараманда», дея ўғлим ўрнидан турди. Она-бола биз гаплашяпмизу, келинимнинг жириллашини айтинг. Бегона нарса ўртамизга аралашишга бало борми, дейман ичимда.

Тўй куни сарпо-суруқ тўла катта тугунни келинимнинг қўлига тутқаздим. Ўзим тоғора кўтардим. Тугунни кўриб унинг баттар энсаси қотди. «Қачон қутуламиз-а, шу эскилик сарқитларидан», деди тўнғиллаб. Иккита аччиқ гап қилиб узиб-узиб олай дедиму, кел, тўйни азага айлантирмай қўя қолай дея шайтонга ҳай бердим.

Қаранг, шахматли машинага чиқайлик десам келинимда ҳам, менда ҳам шунга яраша пул йўқ экан. Нима қилай, минг қилса ҳам юз бўлсин деб бор бисотиму, йиғиб-териб қўйган нафақа пулимни сарпо-суруққа харжлаб қўйган эдимда. Келиним минғирлаб: «Ҳали ойлик олганим йўқ», деди. Вой тавба, шунча харажат қилган одам наҳот Чилонзорга таксида боришга қурбимиз келмаса-я. Шунда кўнглим бир зил кетди. Юнусободдан Чилонзор қайдасан деб тиқилинч автобусда йўл олдик.

Иккита катта тугунни аранг кўтариб тўйхонага кириб борсак жияним Ёдгорбек: «Зарилмиди шунақа иссиқда тоғораю, тугун-тугун сарпо-суруқларни кўтариб юриш», деб ҳиринглаб кулади денг. Хотини Вазирахон унга қўшилиб «Ҳеч қутулмадик, қутилмадикда, шу зорманда сарқитлардан», деса бўладими? Келинимга берди Худо. «Ана эшитдингми», маъносида жилмайиб менга қараб қўйди. Яна бир мулзам тортдим. Бунинг устига ўғлим дагардек қўйни етаклаб кириб келди. Уни кўриб қувониш ўрнига Ёдгорбек баттар ачитди. «Ахир тўйни мен қиляпманми ёки сизларми?». Ўғлим бечора нима қилишини билмай қўчқорнинг боғичидан тутганча безрайиб қолди. Вой, бурнинг кўтарилмай ўлсин, биз сени жигар деб, паст-баланд тушиб шунча нарса қилиб келсагу, сен раҳмат ўрнига маломат қилиб ўтирсанг. Энди мен келиним билан ўғлим олдида нима деган одам бўлдим...

Кечқурун ҳамма келин-куёв ўтирадиган стол атрофидан жой олди. Биз қарияларни ҳам қўярда-қўймай ёшлар даврасига ўтказишди. «Вой ўлай, ҳали қариганимда зўрлаб ичкилик ичириб, биронта шилқим йигит қўлимдан ўйинга тортиб қолмаса гўрга эдия» дейман ўзимга ўзим. Хуллас, 5-10 тенгқур кампирлар давранинг бир четидан жой олдик. Бизнинг олдимизга шишаларни атайлаб қўйишмабди деб атрофга разм солсам биронта столда шиша кўринмасди.

Бир кўзойнакли жувон тўйни очди. Куёв-келинни қутлаб шу ернинг ўзида уларга никоҳ гувоҳномасини топширди. Нега бунақа бўляпти, десам ёнимдаги хотин: «Вой эгачи, ҳали хабарингиз йўқми, ҳозир тўйларни ихчамлаштириш мақсадида ЗАГС маросимларини никоҳ кечасининг ўзида ўтказиш одат тусига кириб боряптику», деб қолди.

Лекин мана шуниси яхши бўлибди-да. Ким ўйлаб топган бўлса ҳам отасига раҳмат. Ён қўшнимиз Фозилжон дабдабали ЗАГС маросими деб фожиага йўлиққанди. Зиёфатдан сўнг куёвнавкарлар ичиб олиб машина ҳайдашган. Бир-бирини қувиб ўтишаётганларида машина ағдарилиб кетиб куёв Фозилжон бевақт оламдан кўз юмди. Тўйхона азахонага айланди-қўйди ўшанда...

Бунинг устига мана бу тўйнинг ичкиликсиз ўтаётганини айтмайсизми? Ўзимча бу ҳам янгича анъаналаримиздан бири бўлсада ҳамма ёшларга ҳам ёқавермаса керак, тўйда ичкилик ичолмайдиган баъзи бировлар ҳозир даврани тарк этсачи, деб ўйлайман. Йўқ, тўй охиригача ҳеч ким жойидан қўзғалмади. Куёв-келинни табриклаган маҳалла фаолларидан бири шундай деди:

— Тўйларимиз тобора файзли ўтяпти. Ичкиликсиз, исрофгарчиликсиз, ортиқча дабдабасиз тўй ўтказиш одат тусига кириб бормоқда. Тўйбошимиз Ёдгорбекни олайлик. У илмий тадқиқот институтида катта лавозимда ишлайди. Кўзга кўринган олим ёлғиз ўғлини уйлантиряпти. Ҳар қанча дабдаба билан тўй ўтказишга қурби етади. Лекин ақлли одам ҳар қандай шароитда ҳам исрофгарчиликка йўл қўймайди.

Яна бир нарсани айтиб қўяй. Ортиқча тўёналарга ҳам барҳам бериш керак. Кучоққа сиғмайдиган тугун кўтаришлар, сарпо-суруқ қилиш, бор-йўғига қарамай обрў оламан деб ўзгалардан қарз-қавола кўтариб бўлса ҳам тўйхонага қўй етаклаб келишларга чек қўйилик. Энди замон ўзгарди. Одамларнинг дунёқараши ўзгариб, ҳамма янгилик сари интилиб боряпти. Шундай экан, эскилик сарқитларига барҳам бериш муддати етди деб ўйлаймиз.

Ҳамма унинг гапини маъқуллади...

Шу топда хаёлимдан вой ўлай, бу киши ҳозир мени ҳам гапириб шарманда қилса-я деган фикр ўтди. Хайрият бундай ҳол рўй бермади. Лекин шу куни қилмишим учун астойдил пушаймон бўлдим.

Чиндан ҳам ўйлаб қарасам, замонамиз тинч, турмушимиз фаровон. Шундай бахтли кунларимизда баъзи аёлларимизнинг тўқликка шўхлик қилиб, баъзилари эса бор бисотини сарфлаб бўлсада «Шавла кетса кетсин, обрў кетмасин» қабилида иш тутиб қўша-қўша тоғора кўтариб юришлари, тугун-тугун сарпо-суруқ қилишларидан воз кеча олмаётганликлари замонамизга доғ бўлиб тушмоқда. Келинг азизлар, ҳаммамиз бир жон, бир тан бўлиб шундай бўлмағур удумларга қарши курашайлик. Давримизга мос ва хос янгиликлар ҳаётимиз кўрки, чироғи бўлиб қолсин.

**Юнусободлик кекса онахон Сабоҳат КАРИМОВАнинг раддиясини оққа кўчирувчи**

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

*Бўш вақтингизда*

## КРОССВОРД



**Ейлар бўйича**: 1. Эстониялик шахмат гроссмейстери. 4. Сабзавотдан тайёрланадиган егулик. 5. Маблағдан маълум қисми чиқариб ташланадиган миқдор. 6. Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони қаҳрамони. 18. Африканинг ғарбида тарқалган маймун. 20.Рассомлик соҳаси. 27. Леонардо до Винчининг машҳур асарига берилган ном. 28. Иморатнинг тишга ўхшаш меъморлик безаги.

**Энига** : 7. Ўлчов асбобининг рақамли шкаладан иборат қисми. 11. Судралиб юрувчи ҳайвон. 14. Транспорт корхонаси. 15. Стволи қисқартирилган милтиқ. 16. Оила бунёд бўлишидаги маросим. 17. Шамсия йили ҳисобидаги учинчи ой. 21. Эшик юқорисидаги токча. 22. Кунчиқар мамлакат валютаси. 23. Бўйинга ўраладиган мато. 26. Кучли ёритиш асбоби.

**Бўйига**: 2. Уч соз учун ёзилган мусиқа асари. 3. Лавозим. 8. Насрий асар тури. 9. Тригонометрик функция. 10. Ҳарорат ўзгаришларини автомат суратда ёзиб борувчи асбоб. 12. Сабзавот таркибидаги сариқ тусли модда. 13. Таомга лаззат берувчи ўсимлик. 19. «Илоҳий комедия» достони муаллифи, итальян шоири. 24. Оқимида Флоренция шаҳри жойлашган дарё. 25. Қўнғироқ, занг.

## МУАММОНОМА

Қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси сўз, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) жавоблардаги ҳарфлардан алмаштириб муаммономани ҳал этинг.

15-1; 17-2; 21-5; 11-3; 18-5; 2-4; 7-9; 20-1; 23-2. 9-1; 22-2; 10-4; 12-5; 20-7; 8-1; 3-4; 13-2; 26-6. 16-5; 19-2; 5-6; 24-2; 14-4; 16-5. Улардан ўзбек халқ ҳикматини билиб оласиз.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 16 январь сонида берилган кроссворднинг жавоблари:**

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 1. Чилонзор. 3. Зангиота. 5. Гулхайри. 7.Косеканс. 10. Волейбол. 11. Зарафшон. 14. Дарранда. 16. Муассаса. 18. Кучланиш. 20. Либретто.

**Энига:** 2. Лит. 4. Нур. 6. Ион. 15. Рус. 17. Ари. 19. Чит.

**Бўйига:** 8. Нов. 9. Кўз. 12. Йод. 13. Фил.

## КРИПТОГРАММА

**Очқич сўзлар:** 1. Командир. 2. Қутб. 3. Глобус.

**Ҳикмат:** Ироданинг манбаи — мустақилликдир.



**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 5576 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 1-рақам билан рўйхатга олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-207. 1 3456